

1.1. Мазкур шартномага асосан “Буюртмачи” “Хуррият” газетасига шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган миқдор ва баҳо асосида 2022 йил учун обуна бўлади, “Тахририят” томонидан “Обуначи” тақдим қилган тақсимот асосида газетани йил давомида етказиб бериш мажбуриятини олади. Газета 2022 йил 1 январдан 31 декабрга қадар жами 52 та сон, 8 саҳифада, тўлиқ рангли А-2 ҳажмида чоп этилади. “Буюртмачи” эса нашр учун обуна пулини мазкур шартноманинг 2.1 ва 3.1 бандларига асосан тўлайди.

2.1. Нашрнинг 2022 йил учун **“Тахририят”** томонидан белгиланган обуна баҳоси Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман (шаҳар)даги тегишли манзилларига почта оркали етказиб бериш шarti билан қўйдагича белгиланади:

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

— Газета учун обуна пули олдиндан 100 (юз) фоиз миқдоридан маскур шартнома имзоланган кундан бошлаб узоғи билан 7 (етти) банк иш кунни ичида “Тахририят”га пул ўтказиш йўли билан тўлаш мажбуриятини олади, Молия вазирлигининг Ғазначилик бўлимлари орқали тўловлар амалга оширадиган ташкилот ва муассасалар узоғи билан 30 (ўттиз) банк иш кунни давомида 100 (юз) фоиз ҳажмида тўловни амалга оширишлари лозим.

— “Буюртмачи”нинг тақсимоти асосидаги манзилларга газетани почта бўлимлари орқали етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

— Нашрлар ўз вақтида етказиб берилишини, етказиб бериладиган нашрнинг обуна сони тўлиқлигини “Таҳририят”дан талаб қилиш, шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Таҳририят”дан белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

3.3. “Томонлар” ўртасида шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда ёки қисман бажарилмаган ҳолларда бу хусусида ўзаро далолатнома тузилади ва ўзаро тасдиқланади, ушбу далолатнома мазкур шартноманинг ижроси юзасидан тегишли ҳуқуқий кучга эга бўлади.

3.4. “Буюртмачи” томонидан шартномада кўзда тутилган тўлов кечиктирилган ҳолларда “Тахририят” га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

3.5. “Тахририят” томонидан шартномада кўзда тутилган газета чоп қилинмаганда ёки тўлиғича чоп этилмаган тақдирда ва ёки газета чоп қилинган бўлсада, “Буюртмачи”га етказиб берилмаган ёки қисман етказилмаган ҳолларда “Буюртмачи” томонидан “Тахририят”га ўтказилган маблағ етказиб берилмаган газета учун олинган маблағ тўлиқ қайтариб берилади, қайтариб бериш учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун эса “Тахририят” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,5 фонзи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 40 фонзидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.1. “Томонлар” мазкур шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари учун амалдаги қонунчиликка асосан жавобгардирлар.

4.2. “Томонлар” мазкур шартномани бир томонлама бекор қилишига йўл қўйилмайди

4.3. Ушбу шартнома бўйича барча тушинмовчилик ва келишмовчиликлар аввало ўзаро музокара йўли билан, бунинг имкони бўлмаган ҳоллардагина амалдаги қонунларга биноан суд тартибида ҳал этилади.

5.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг “**Томонлар**”га боғлиқ бўлмаган, яъни олдини олиши мумкин бўлмаган фавкулотда ҳолатлар (сув тошқини, zilzila, табиий офатлар, мамлакатда уруш ҳолатлари юз берганда, Ҳукуматнинг “**Томонлар**” фаолиятига доир таъқиқловчи қарор, ёки фармойишлари чиқиши) яъни форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиққанда, бун ҳақда “**Томонлар**” ўзаро келишув баённоmalари тузишлари дозим.

5.2. Форс-мажор ҳолати юз берган тақдирда “Томонлар” бошқа томонни бу ҳақда 24 соат ичида ёзма ёки оғзаки хабардор қилиши шарт.

6.1. Шартнома икки нусхада тузилиб, “Томонлар” да бир нусхадан ва ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга бўлиб, “Томонлар” тасдиқлаган кундан эътиборан 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

“ТАХРИРИЯТ”

“Хуррият” газетасы тахририяти
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.
Х/р: 20212000903973590001
ТИФ “Миллий банк” Амалиёт Бошқармаси
МФО: 00451, ИНН: 202 743 398
ОКЭД: 58130, ОКОНХ:87100
тел(факс): (8371) 244-32-80, 244-32-70

(ИМЗО)

А.Н.Жумакулов
(Ф.И.Ш.)

Юрист: Х. Қодиров

“БУЮРТМАЧИ”

“Ўзбекнефтгаз” АЖ
Тошкент ш., Истикбол кўчаси, 21-уй
Х/р: 20210000800124339001
ЎзСКБ Яшнобод филиали
МФО: 00432, ИНН: 200 837 914
ОКЭД: 84111, ОКПО: 00037517
тел.: +998-74-207-27-27

(ИМЗО)

Ш.Ш. Алиризаев
(Ф.И.Ш.)